

МУГАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 6/1-1 - 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
А. Тилегенов

Редколлегия аъзалары:
Маъсет АЙЫМБЕТОВ
Нафмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Марифжон АХМЕДОВ
Гулзада БАЙМУРАТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Дилдора ДАВРОНОВА
Мамбет КУДАЙБЕРГЕНОВ
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Даврон ИСМОИЛОВ
Феруза САПАЕВА
Раънохон ОРИПОВА
Арзы ПАЗЫЛОВ
Джавдод ПЎЛАТОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Амина ТЕМИРБЕКОВА
Саодат ТОШТЕМИРОВА
Нурзода ТОШЕВА
Ризамат ШОДИЕВ
Сурайе ШАРИПОВА
Рухшона ИСРОИЛОВА
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириўшилер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПНИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хэм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзіндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледі. Мақалада келтирилген маглыўматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲАМ АДЕБИЯТ

Рузиева С. Ҳ. Она тили синтаксиси фанини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг мавжуд ҳолати	6
Mamarasulova I. J. Maktabgacha talim jarayonida xorijiy tillarni o'qitishning zamonaviy metodikalari	10
Nurova F. K. O'zbek tili morfoanalizatori uchun fe'l analitik shakllarini modellashtirishning ahamiyati	13

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Байниязов А. Т. Студентларди кәсипке таърлаўда педагогикалық инновациялардан пайдаланыў имкәниятлары	18
Шарипова Г. С. Аждодларимизнинг таълим тарбияни ривожлантиришдаги илмий мероси	21
Понсотова Ф. Ў. Талабаларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш	24
Махмуджонов А. Ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган кучли мотивациясини ошириш мақсади ва воситалари	27
Kamolova G. Integrativ yondashuv asosida talabalarida kasbiy kompetentlikni rivojlantirishning ilmiy-pedagogik asoslari	31
Artikbayeva A. A. Ijtimoiy hamkorlik asosida talabalarning kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirish	36
Xalilova D. F. Talabalarida ijtimoiy munosabatlarni rivojlantirishga oid kasbiy kompetentlikni takomillashtirish	39
Зияева М. Ф. “Интегратив ҳамкорлик” асосида талабалар ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш йўллари	41
Radjapova Z. T. Integrativ yondashuvlar asosida bo'lajak tarbiyachilarni kasbga tayyorlash	48
Sobirova Ch. A., Bayjanova S. I. Talabalarda tayanch ma'naviy kompetensiyalarni rivojlantirish texnologiyalari	51
Abdullayeva Yu. B. Oliy ta'lim sohasida korruptsiyani keltirib chiqaruvchi omillar va uni bartaraf qilishning ijtimoiy-pedagogik shart-sharoitlari	56
Хусанов Ф. О. Бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигини ташхислаш ва мониторинг қилишнинг педагогик имкониятлари	59
Оқбўтаев Ж. Й. Компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялаш долзарб педагогик муаммо сифатида	63
Пулатова Н. Р. Талабаларнинг инновацион бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг замонавий ёндашувлар	69
Абдуллоев Я. М. Юқори синф ўқувчиларида миллий халқ ҳаракатли ўйинлар воситасида шакллантиришда дидактик принциплар ва воситалардан фойдаланиб бажариш	73
Kuchkinov A. Yu. Bo'lajak o'qituvchilarning ekosteam ta'lim kompetensiyalarni rivojlantirishda fanlararo yondashuv texnologiyalari	80
Байниязов А. Т. Олий таълим тизимида сифатни ошириш ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш масалалари	84
Boykeldiyev B. M. O'quv – tarbiya jarayonini boshqarish tizimida o'qituvchi va trenerlarning ijtimoiy roli	88
Кодиров М. З. Ўқувчилар билиш фаолиятларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик асослари	91
Kodirov M. Z. O'quvchilarda iqtisodiy bilimlarni rivojlantirishning dolzarbligi	97
Abdullayev S. S. Talabalarida daxldorlik fazilatlarini rivojlantirishning ijtimoiy-pedagogik zarurati	101

va aktual bolsagina, dasrning mazmuni hamda maqsadi organuvchilarga tushunarli va esda qolarli boladi. Chet tili organuvchilari chet tili talimida ozga bir til, madaniyat bilan toqnash keladilar. Shu sababdan, mashgulotlarda aynan osha chet tilga xos bolgan ishonchli materiallardan, osha madaniyatni yetkazib bera oladigan matn va dabiyyotlardan foydalanish tavsiya etiladi.[Mustafoyeva, C. C. Chet tillarini organish va o'qitish: bolalar tillarni qanday oganishadi?. - 2019. - 260 bet.]

Xulosa. Shuni xulosa qilib aytib o'tish kerakki, farzandlarimiz yetuk kadr bolib yetishlarida avvalambor, maktabgacha talimning orni ahamiyatlidir. Biz ularni zamonaviy texnologiyalar va zamonaviy talim tizimi bilan taminlashimiz talab etiladi. Maktabgacha talim jamiyatdagi har bir inson ildizlarining rivojlanishi, yani ularning kelajakda ona yurtiga munosib farzand, kuchli shaxs bolib voyaga yetishlarida ham katta ahamiyatga ega. Biz farzandlarimiz talimiga koproq etibor berishimiz, zamonaviy shart-sharoitlar yaratishimiz, yangi-yangi usullar orqali ularning organishlariga komaklashishimiz zarur. Chet tillarini organish bolalarga kelajakda yangi imkoniyatlar eshigini ochishi, ular malakali kadr bolib yetishishi, butun jamiyat uchun nafi tegadigan shaxs bolib kamol topishlari uchun ham ahamiyatlidir. Shuning uchun ham bolalarimizga yoshligidan talim berib borishimiz, oqishga qiziqtirishimiz, jamiyatimizdagi har bir bolani nazardan chetda qoldirmasligimiz, organishga qiynalغان bolalar bilan ham alohida shugullanishimiz, turli xil qiziqarli oyinlar bilan etiborlarini tortishimiz, chet tillarini orgatish davomida muntazam ragbatlantirib borishimiz ularni kelgusidagi talimlari uchun dastlabki qadam boladi, desak adashmagan bolamiz.

Adabiyotlar:

1. Kanton Aargou. Fremdsprachen Lernen und Lehren. Englisch an der Primarschule. Leipzig-2017. S. 238—239.

2. Eine neue Aufgaben - und Leistungsbewertungskultur, U. Gibitz in: Neue Wege im Fremdsprachenunterricht am Beispiel des Rahmenplans für den Englischunterricht in der Orientierungsstufe, L. I. S. A. Schwerin 2001.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasida maktabgacha talim jarayonida xorijiy tillarni o'qitishning zamonaviy metodikalariga berilgan katta ahamiyat, hamda ularni organish uchun zarur bolgan zamonaviy o'qitish usullarini o'z ichiga qamrab olgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещается большое значение, придаваемое современным методам обучения иностранным языкам в процессе дошкольного образования в Республике Узбекистан, а также современным методам обучения, необходимым для их изучения.

SUMMARY

This article covers the great importance attached to modern methods of teaching foreign languages in the process of preschool education in the Republic of Uzbekistan, as well as the modern teaching methods needed to organize them.

O'ZBEK TILI MORFOANALIZATORI UCHUN FE'L ANALITIK SHAKLLARINI MODELASHTIRISHNING AHAMIYATI

Nurova F.K.

Buxoro davlat Pedagogika instituti o'qituvchisi

Tayanch so'zlar: analitik shakl, paradigma, morfoanalizator, modellashtrish, morfologik ko'rsatkichlar, kategoriya, vid kategoriyasi, ko'makchi fe'l, frazeologik birikma, logik fe'l, perifrastik yasaliish.

Ключевые слова: аналитическая форма, парадигма, морфоанализатор, моделирование, морфологические показатели, категория, видокатегория, вспомогательный глагол, фразеологическое сочетание, логический глагол, перифрастическое образование.

Key words: analytical form, paradigm, morphoanalyzer, modeling, morphological indicators, category, species category, auxiliary verb, phraseological combination, logical verb, periphrastic formation.

Bugungi ma'lumot va axborotlarga boy dunyoda tilshunoslikning ham jadal rivojlanishini talab qiladi. Bu borada olimlarimiz tomonidan ko'plab izlanishlar olib borilmoqda.


Jumladan, Jahon tilshunosligida ham tabiiy tilga avtomatik ishlov berish, analizatorlar yaratish bo'yicha, xususan, axborot-qidiruv tizimi tahlil dasturlari, zamonaviy axborot texnologiyalari vositalarida ishlov berishni yo'lga qo'yish uchun til korpuslari, semantik analizator hamda ularning lingvistik asoslarini yaratish kabi yo'nalishlarda tadqiqotlar olib borilmoqda.

XX asr oxiridan boshlab kompyuter tilshunosligiga katta e'tibor qaratildi. Matnlarni sifatli tarjima qilish, o'zga tillarni o'rganishni osonlashtirish kabi turli sabablar bunga turtki bo'ldi. Semantik, morfologik analizatorlar ustida olimlar tomonidan amaliy ishlar qilindi. Dunyo kompyuter tilshunosligida semantik analiz va analizator borasida bir qator olimlar ilmiy izlanish olib borishgan. M.V.Mozgovoy, A.V.Sokirko, N.A.Schlayefer, D.SH.Suleymanov, A.R.Gatiatullin, B.Yergesh, A.Sharipbay, G.Bekmanova, S.Lipnitski, YE.A.Kanevskiy, K.K.Boyarskiy kabi olimlarning tadqiqotlarini ana shunday ishlar sifatida qayd etish mumkin. Jahon va turkiy tilshunoslikda morfologik/sintaktik analizator tuzish masalalari keng tadqiq etilgan. Jumladan, A.V.Dibo, A.K.Asiryan, A.V.Sheymovich, A.R.Gatiatullin, A.M.Bashirov, P.V.Jeltov, N.A.Israilova, P.S.Bakasova, M.G.Malkovskiy, A.S.Starostin, D.N.Younger, YE.A.Kanevskiy, N.V.Kolpakova, N.A.Israilova, P.S.Bakasova, S.Bird, E.Klein, E.Loper, M.Korobov, A.D.Moskvina, D.Orlova, P.V.Panicheva, O.A.Mitrofanova, O.N.Lyashevskaya, I.Astafyeva, A.Gareyshina, Y.Grishina, V.Dyachkov, M.Ionov, A.Koroleva, M.Kudrinskiy, A.Lityagina, Ye.Luchina, Ye.Sidorova, S.Toldova, S.Savchuk, S.Koval va K.K.Boyarskiy kabi bir qator olimlar tadqiqotida batafsil yoritilgan.

O'zbek tilshunosligida kompyuter lingvistikasi, matnga leksikografik ishlov berish borasida M.Mahmudov, M.Ayimbetov, S.Karimov, G.Jumanazarova, A.Babanarov, D.O'rinboyeva, A.Norov, S.Muhammedov, N.Abdurahmonovalarning tadqiqotlari mavjud. O'zbek tili morfoanalizatorida fe'lning analitik shakllari analizatorini tuzish borasida maxsus tadqiqotlar olib borilmagan. Ammo harakat fe'llari asosida kompyuter dasturlari uchun lingvistik ta'min yaratish, o'zbek-ingliz tili mashina tarjimasining lingvistik ta'minoti, o'zbek tili mualliflik korpusini tuzish tamoyillari, o'zbek tilidagi matnlarni tahrir va tahlil qiluvchi dasturning lingvistik modullari, til korpusi lingvistik bazasini tuzish tamoyillari, o'zbek tili atov birliklarini semantik teglashning lingvistik asoslari, o'zbek tili ta'limiy korpusini tuzishning lingvistik asoslari, o'zbek milliy korpusida idiomalar bazasini yaratish monografik planda o'rganilgan. Shuningdek, o'zbek-ingliz parallel korpusi tuzish muammolari, o'zbek tilidagi otlarni avtomatik tahlil qilish, so'z yasashining formal modellari, korpus lingvistikasida polisemiya haqida qator maqolalar nashr etilgan. O'zbek tilida avtomatik morfologik tahlilning ayrim masalalari yoritilgan ishlar mavjud. Sh.Hamroyeva tomonidan esa o'zbek tili morfoanalizatori va uning lingvistik ta'minotini yaratish masalasi tadqiqot obyekti sifatida o'rganilgan. Sh.Gulyamova esa o'zbek tili semantik analizatorining lingvistik asoslarini tadqiq qildi.

Lingvistik analizator – avtomatlashgan qidiruv tizimida tabiiy tilni qayta ishlash jarayonida so'zning morfologik, sintaktik va semantik xususiyatini ifodalaydigan vosita. Analizator tushunchasi termin sifatida keng ma'noda qo'llanadi. Jumladan, lingvistika bilan bir qatorda biologiya, fiziologiya, anatomiya, psixologiya, fizika, kimyo kabi o'nlab sohalarida ma'lum maqsad va ma'noda ishlatiladi. Lingvistikada esa analizator tabiiy tilni avtomatik qayta ishlashda muhim o'rin tutadi. Tabiiy tilni qayta ishlash (Natural Language

Processing (NLP)) – bu sun'iy intellekt va matematik tilshunoslikning umumiy yo'nalishi bo'lib, tabiiy tillardagi matnlarni kompyuterda analiz va sintez qilish muammolarini o'rganadi. Ushbu muammoni hal qilish inson va kompyuter o'rtasida o'zaro aloqaning yanada qulay shaklini yaratishni anglatadi. Lingvistik analizatorni quyidagi turlarga bo'lib o'rganish maqsadga muvofiq:



Semantik analizator;

Morfologik analizator;

Sintaktik analizator

Katta guruhlar o'z ichida lemmatizator, morfoanalizator, stemmer, parser, offorkorrektorlarni oladi. Bu analizatorlarning har biri ishlash prinsipi, maqsadi, vazifasiga ega.


O'zbek tilida morfoanalizatorlar borasida ham ko'pgina ishlar qilingan bo'lsa-da, fe'llardagi analitik shakllarni modellashtirish borasida tadqiqotlar olib borilgani yo'q. Bu tadqiqotni amalga oshirish esa tilshunoslikning oldidagi bir qancha muammolarni hal etadi. Negaki fe'llarning analitik shakllarini avtomatlashgan qidiruv tizimida aniqlashtirish murakkabliklarni keltirib chiqaradi.

Tilshunosligimizda fe'llarning analitik shakllari borasida ko'plab amaliy ishlar qilingan. O'zbek tilshunosligida fe'lning analitik shakllarining o'rganilishi, asosan, XX asrning 40-50-yillaridan avj oldi. Dastlab o'zbek tilida harakat tarzi shakllari tavsifiy usullar asosida ko'makchi fe'llar atamasi ostida atroflicha o'rganilgan. Tilshunosligimizda bu borada S.Ferdaus, G.Sharipov, S.Akbarov, T.Almamatov, ishlarini hamda A.Kononov, A.G'ulomov, A.Hojiev, U.Tursunov, J.Muxtorov, B.Jo'raev kabi tilshunoslarning o'quv qo'llanma hamda maqolalarini alohida qayd etish joiz. Ko'makchi fe'llar mavzusida o'rganilgan bu ishlar orasida akademik A.Hojievning «O'zbek tilida ko'makchi fe'llar» monografiyasi alohida e'tiborga molik. Tadqiqotchi o'zining mazkur monografiyasida turkiy adabiyotlarda, jumladan, o'zbek tilshunosligida ham o'sha vaqtga qadar yuritib kelingan qo'shma fe'l, yordamchi fe'l, ko'makchi fe'l kabi istilohlar mohiyatini ochib berib, ulardan yagona ko'makchi fe'l atamasi mohiyatga yaqinroq kelishini izohlab berdi va tilshunoslik terminlari sargardonligidagi muammolaridan biriga oydinlik kiritdi. Shuningdek, u qozoq tilida edi to'liqsiz fe'lini ko'makchi fe'llar qatoriga kiritgan tilshunos I.Mamanovning fikriga e'tiroz bildirib, uni ko'makchi fe'llar sirasidan chiqargani holda, to'liqsiz fe'l sifatida ko'rsatib o'tadi. Monografiyada hozirgi o'zbek adabiy tilida iste'molda bo'lgan 27 ta ko'makchi fe'lning yetakchi fe'lga -a/y, -(i)b ravishdoshlari bilan birikuvchi shakllari hamda juft holatda kelgan ko'makchi fe'lli so'z qo'shimmalari tahlilga olinadi. Turkiyshunoslarning bu boradagi tadqiqotlari kuzatilganda esa, ko'makchi fe'llarning soni turkiy tillarda miqdoran farqlanishi ko'zga tashlanadi. Masalan, ozarbayjon, yoqut, qo'miq, no'g'oy, qirg'iz, qorachoy-bolqor tillarida analitik shakllarning 40 dan 50 gacha yetishi, tuva tilida esa 30 dan ortiq ekanligi ko'rsatib o'tiladi.

Bugungi tilshunoslik oldida ana shu analitik shakllarni morfoanalizatorlarda modellashtirish kabi muhim masala turibdi. Bu axborot-qidiruv tizimida fe'llarning analitik shakllarini

qo'shma fe'llardan mazmunan farqlashga xizmat qiladi. Chunki morfoanalizatorida fe'llarning analitik shakllari hisoblangan ko'makchi fe'lli so'z qo'shilmalarini tarjima qilish jarayonida xatoliklarga duch kelinadi. Fe'l+fe'l tarkibli qo'shma fe'l, ravishdosh+fe'l qurilishli so'z birikmasi, frazeologik birikmalardan farqlashda katta xatoliklar yuzaga keladi.

Ravishdoshning -a, y, -(i)b shakllariga qo'shilib, o'z mustaqil ma'nolarini yo'qotgan, asosan anglashilgan harakatning bosqichlari (boshlanish, davom etish, tugallanishi) va tarzi (tezligi, imkoniyati)ni bildiruvchi fe'llar ko'makchi fe'llar sanaladi. Masalan: qo'yib yubormoq, sezib qolmoq, tekshirib ko'rmoq, bura boshlamoq. Bu shakl yetakchi fe'l + ko'makchi fe'l shaklida bo'ladi. Yetakchi fe'l oldin keladi. Mustaqil ma'no ifodalaydi. Ko'makchi fe'l esa yetakchi fe'lga qo'shiladi. O'z lug'aviy ma'nosidan chekinadi. Ish-harakatning turli qo'shimcha ma'nolarini (davomiylik, tezlik, tugaganlik, imkoniyat kabi) ma'nolarini ifodalaydi



Ba'zan ko'makchi fe'llar bir necha bo'lishi mumkin: aytibyetakchi fe'lberib qo'ya qolingko'makchi fe'l.

Ko'makchi fe'llar quyidagi ma'nolarni ifodalaydi:

- yubormoq, tashlamoq, qo'ymoq ko'makchi fe'llari harakatning tez va oson bajarilishini bildiradi: tashlab yubormoq, aytib qo'ymoq.
- yotmoq, yurmoq, turmoq ko'makchi fe'llari harakatning davomiyligini bildiradi: o'qib yurmoq, aytib turmoq, gapirib yotmoq.
- boshlamoq ko'makchi fe'li harakatning boshlanishini bildiradi: ko'ra boshlamoq, o'qiy boshlamoq.
- olmoq fe'li harakatning bajarilish imkoniyatini bildiradi: gapira olmoq, ko'ra olmoq.
- chiqmoq, bo'lmoq ko'makchi fe'llari harakatning to'la yakunlanganini bildiradi: ko'rishib chiqmoq, yozib chiqmoq, bajarib bo'lmoq.

Ko'makchi fe'llarning bu ma'nolari morfoanalizatorida aniq anglashilmaydi. Fe'llarning analitik shakllari hisoblanmish ko'makchi fe'lli so'z qo'shilmalarini modellashtrish esa bu muammoning yechimlaridan biri hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. Акбаров С. Ўзбек тилида қўшма феъллар: Филол. фан. Номз. дис. – Т., 1946. – 180 б.
2. Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси. - Т.: Фан, 1992. - 144 б.
3. Гулямова Ш.К. Семантик анализатор учун омонимлиқни фарқлаш омилининг айрим масалалари хусусида // —Ўзбекистоннинг умидли ёшлари мавзусидаги 6-сон Республика илмий талабалар, магистрлар ёш тадқиқотчилар ва мустақил изланувчилар учун онлайн конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Тадқиқот, 2021. – Б. 74-76

4. Жўраев Б. . Ҳозирги замон ўзбек тилида кўмакчи феълларнинг қўлланиши ва маъноси // Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари. - Т., 1953. - Б. 255 - 266.
5. Материалы координационного совещания по проблемам глагольного вида и сложноподчиненного предложения в тюркских языках // Вопросы грамматики тюркских языков. 24-27 сент. 1956 г. Алма-Ата, 1958. - С. 45-51.
6. Менглиев Б. Ўзбек тилининг структур синтаксиси. - Қарши: Насаф, 2003. - 147 б.
7. Нейматов Ҳ., Бегматов Э., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1989. - № 6. - Б. 39-43.
8. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. - Т.: Ўқитувчи, 1996. - 47 б
9. Хамроева Ш., Гулямова Ш. Электрон лугатлар – компьютер лексикографияси маҳсули // Давлат тили – ижтимоий тараққиёт ва миллий юксалиш мезони. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Бухоро, 2020. – Б. 459-465.
10. Шукуров О. Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси. -Қарши, 2017.-1026.

РЕЗЮМЕ

Maqolada fe'llarning analitik shakllarining turli davrlarda o'rganilish tarixi va erishilgan natijalar xususida hamda O'zbek tili morfoanalizatori uchun fe'l analitik shakllarini modellashtirishning ahamiyati xususida fikr yuritiladi.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается история изучения аналитических форм глаголов в разные периоды и достигнутые результаты, а также значение моделирования аналитических форм глаголов для морфоанализатора узбекского языка.

SUMMARY

The article discusses the history of the study of analytical forms of verbs in different periods and the results achieved, as well as the importance of modeling analytical forms of verbs for the morphoanalyzer of the Uzbek language.





ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

СТУДЕНТЛЕРДИ КӘСИПКЕ ТАЯРЛАҰДА ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ИННОВАЦИЯЛАРДАН ПАЙДАЛАНЫҰ ИМКӘНИЯТЛАРЫ

Байниязов А.Т.

Бердақ атындағы ҚарМУ оқытыушысы

Tayanch so'zlar: informacion texnologiyalar, tálim texnologiyaları, student, pedagog, innovaciya.

Ключевые слова: информационные технологии, образовательные технологии, студент, педагог, инновация.

Key words: information technology, educational technologies, student, pedagogue, innovation.

Dun'yada jas áwladtı kásiplik sheberlikke tayarlawda olardıń jeke hám kásiplik sıpatların (refleksivlik, óz-ózin aktivlestiriw, oylap tabıwshılıq, kerekli xabarları izlep tabıwshılıq hám informacion texnologiyalarınan bilimlendiriw processinde unamlı paydalanıw) rawajlandırıwǵa qaratılǵan variativ tálim texnologiyaları tiykarında olarda erkin háreket etiw hám óz-ózin rawajlandırıwǵa úyretiw áhmiyetke iye.

Sonıń ushın student shaxsın rawajlandırıw, olardı pedagogikalıq dóretiwshilikke, jańalıqqa talpınıw hám oylap tabıwshılıqqa baǵdarlaw máselelerine keń itibar qaratılǵanlıǵı hámde olardıń innavacion iskerlik alıp barıw qábiiletlerin payda etiwde, shaxsqa baǵdarlangan texnologiyalardı nátiyjeli qollanıwdıń ilimiy pedagogikalıq tiykarları hám imkaniyatların úyreniw zárúr bolıp esaplanadı.

Student shaxsın rawajlandırıw shártlerinen biri shólkemlestiriwshı bilimlendiriw processinen ibarat. Biraq aldınnan "shaxstı rawajlandırıw" anıq neni ańlatıwın anıqlap alıw zárúr. Óziniń mánisine qaray, shaxstı rawajlandırıw onıń imkaniyatlar sheńberi hám ámelge asırılǵan qábiiletleri hám aqibeti sıpatında, háráketler, umtılwlar, biliwge tiyisli hám jámiyetlik aktivliktiń keńeyiwin ańlatadı. Pedagogikalıq kóz-qarastan qaraǵanda shaxstı rawajlandırıw "isley alaman" konteksinde maqsetke baǵdarlangan halda keńeytiriwdi ańlatadı.

Óz-ózin "isley alaman" túsiniǵı studenttiń qandayda bir iskerlik túrine kiriskeńligin hám onıń jetiskeńligin támiyinleydi.

Bilim alıwshı shaxstıń talaplarınıń asırında rawajlanıwdıń jeke logikasına iye